

MURLI ISTIQVOL

2025-yil — Atrof-muhitni asrash va “yashil” iqtisodiyot yili

№ 1 (5300)
2025-yil, 5-mart



Ommaviy, ijtimoiy-siyosiy gazeta

Gazeta 1966-yilning yanvar oyidan chiqa boshlagan

Туман ҳокимининг байрам табриги

Муҳтарама онахонлар, азиз опа-сингиллар!

Барчангизни гўзаллик байрами, 8-март — Хотин-қизлар куни билан ўзим ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари номидан самимий муборакбод этаман!

Жонажон юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила мустақамлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасида эканлигидан фахрлансак арзийди. Бугунги кунда биз аёлларнинг жамиятда олиб борилаётган ўзгариш ва янгиликларни жаранда, Янги Ўзбекистонни барпо этишда ўрнимиз беқиёсдир.

Ўзим раҳбарлигимдаги туманимизда ҳам аёлларнинг юксак фаолиятини ижро ҳокимиятида, халқ депутатлари туман Кенгашида, маҳаллий ва ўзини ўзи бошқариш тизимлари, нодавлат-нотажорат ташкилотлар фаолиятида, саноат, ишлаб чиқариш соҳаси, айтиш мумкин-

ки барча соҳаларда кўришимиз мумкин.

Мактабгача ва мактаб таълими тизими, тиббиёт, қишлоқ хўжалигида ҳам юзлаб аёлларимиз юртимизнинг равнақиға ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшиб келаётганлиги қалбимизда фахр уйғотмоқда.

Қадрли опа-сингиллар!

Яна бир бор сизларни байрам билан чин қалбимдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, фойзу барака тилайман. Яқинларингиз, фарзандлар ва набираларингиз ардоғида юриш насиб қилсин! Гўзаллик ва нафосат айёми муборак бўлсин!

**Дилфуза Уралова,
Боёвут тумани ҳокими**

Боёвутлик Мафтуна Ғаниева “Зулфия” мукофоти билан тақдирланди

Ҳар йили 8-март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Президент республикамиздаги энг иқтидорли 28 нафар қизни Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлайди.

Бу йилги ғолиблар орасида Боёвут туманидан Ғаниева Мафтуна Абдуазиз қизи ҳам бор. Мафтуна бугунги кунда Гулистон давлат университети таълим-тарбия назарияси ва методикаси ихтисослиги бўйича таянч докторанти.

Боёвут тумани ҳокимлиги Мафтуна Ғаниевани ушбу юксак мукофот билан муборакбод этиб, келгуси ишларида ҳам муваффақиятлар тилади.

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕЖАЛАРИ

Президент Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, иш ўринлари ва инвестицияларни кўпайтириш бўйича 2025-йилги режалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Кейинги йилларда Сирдарёда энергетика, қурилиш, тадбиркорлик бирмунча ривожланди. Утган йили давлатимиз раҳбарининг Сайхунобод туманига ташрифи чоғида томорқачилик ва кичик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тажриба яратилди. Лекин ташаббускорлик камлиги учун саноат, савдо ва хизматлар ривожланишдан орқада қолиб кетаяпти.

Хусусан, Сирдарёда хизмат кўрсатиш соҳасининг республикадаги улуши энг паст. Камбағаллик даражаси 11 фоиздан кўп. 22 минг нафар фуқаро ишсиз.

Бугун дунёда иқтисодий шарт-шароитлар тез ўзгармоқда. Бундай вазиятда изланиб, ўрганиб, ички имкониятларни тўла ишга солган ҳудуд ютади.

Шу мақсадда Сирдарё вилоятида инвестицияларни кўпайтириб, саноат ва бизнес-муҳитни яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, шунингдек, вилоятнинг транзит салоҳиятидан унумли фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Масалан, қарийб 900 гектар ер майдонида саноат зоналари ташкил қилиниши мўлжалланган. Бу 5 миллиард доллар инвестицияга ва 20 мингдан ортиқ янги иш ўрнига замин бўлади. Лойиҳалар Сирдарё, Ширин, Боёвут, Ховос, Мирзаобод, Гулистон, Оқолтин ва Сардобада жойлашади.

Давоми 2-бетда

ИНВЕСТИТОР БИЛАН УЧРАШУВ

Иқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш бугуннинг мавзусига айланган.

Боёвут тумани ҳокими Дилфуза Уралова Хитой Халқ Республикасида ташриф буюрган сармоядор Лиу ХингХуани қабул қилиб, ҳамкорлик музокараларини олиб бораркан, айна

шу хусусда суҳбатлашилди.

Сармоядор билан дўстона руҳда ўтган учрашувда балиқчилик, озиқ-овқат ва бошқа йўналишларда лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга келишилди. Албатта, келишув амалга ошса-энг муҳими янги иш ўринлари яратилади.

Ф.ПЎЛАТОВ



(Давоми. Боши 1-бетда)

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕЖАЛАРИ

Вилоят географик жиҳатдан Ўзбекистоннинг марказий қисмида, бир неча халқаро автомагистрал кесишмасида жойлашган бўлиб, бир кеча-кундузда 311 мингта транспорт воситалари ўтади. Шунга қўра, тадбиркорлар бу йўллар бўйида юзлаб савдо шохобчалари очишга тайёрлигини билдирган.



хонадоннинг қурилганига элик йилдан ошган. Реновация дастури асосида, уларнинг ўрнида 15 минг хонадонли замонавий уй-жойлар қурилиши кўзда тутилган. Бу борада Марғилон шаҳри, Дўстлик туманидаги ижобий тажрибалар ўрганилади.

Янги хонадонлар арзон бўлиши учун девелоперларга солиқ, божхона имтиёзлари берилди. Шунингдек, вилоятдаги йўл, электр, уй-жой, ирригация, боғча,



КАСАНАЧИ ВА ПИЛЛАКОРЛАРНИНГ МАЛАКАСИ ОШИРИЛМОҚДА

Боевут тумани ҳокимлиги томонидан “Пиллачилик соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш” мавзусида ўқув-курси ўтказилди.

Тумандаги пилла етиштириш билан шуғулланувчи кластер, фермер хўжаликлар масъуллари, касаначи ва пиллакорларга пиллани Вьетнам ва Хитой тажрибаси асосида саноат усулида етиштириш, пилла етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, хонадонларга тарқатилган пилланинг тўғри парваришини йўлга қўйиш, уй шароитида тайёр ипак ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича тушунчалар бериб ўтилди.

Шунингдек, пилла етиштиришда ипак қуртини танлаш, уни инкубациядан чиқариш ва иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни ипак қуртини янги агротехник қоидалари асосида парваришга жалб қилиш, бу орқали пиллачиликдан олинадиган даромад ва маҳсулдорликини ошириш хусусида фикр алмашилди.

Яқунда ўқув курси қатнашчиларига махсус сертификатлар тақдим этилди.



мактаб ва бошқа ижтимоий объектларни янгилашга 100 миллион доллар йўналтирилади.

Гулистон шаҳрини узлуксиз ичимлик суви билан таъминлашга зарур маблағ ажратиш ва бу ишларни 2025 йил 1 июнга қадар яқунлаш топширилди. Шунингдек, Гулистон ва Ширин шаҳарларда урбанизация жараёнларини жадаллаштириш мақсадида уларнинг ҳудудини кенгайтириш таклифи маъқулланди.

Умуман, бундай имкониятлар эвазига жорий йилда 2 миллиард доллар инвестиция жалб этиб, экспортни 500 миллион долларга етказиш вазифаси белгиланди. Бунинг натижасида 16 мингдан зиёд янги иш ўрни очилиши, камбағаллик даражаси 7,4 фоизга тушиши қайд этилди.

(ЎЗА манбаси асосида тайёрланди)

Шу каби 500 минг квадрат метр савдо-сервис майдони ташкил этиб, 50 минг одамнинг бандлигини таъминлаш имконияти бор.

Ер-суви мўл бу ҳудудда пахта, шоли, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш учун катта салоҳият бор. Шу боис картошка, пийёз, маймунжон, қорағат ва олча майдонлари кенгайтирилади. То

морқа, дала ва каналлар четидаги 38 минг гектарга қайта ишловчи ва экспортчилар бириктирилади.

8 та тумандаги паст рентабелли 25 минг гектар ер шоли етиштиришга ўтказилади. Шолчилик корхоналарини қўллаб-қувватлаш учун маҳсулотнинг 50 фоизини экспорт қилишга рухсат берилди.

Вилоятда мингдан зиёд

ҲАЁТ ЙЎЛАРИ



Боевут туманида инвестицион жозибадорликни ошириш, экспорт ҳамда инвестиция лойиҳаларининг ижроси, қўшимча экспорт қувватларини яратиш доирасида амалга ошириладиган ишлар билан яқиндан таништириш мақсадида пресс-тур ташкил қилинди.

Пресс-тур давомида тумандаги “Golden Osiyo Center Co”, “Boyovut Cotton textile” корхоналарининг иш фаолияти, амалга ошириладиган экспорт маҳсулотлари ҳамда яратилган иш ўринлари билан танишилди.

“Golden Osiyo Center Co” қўшма корхонаси 2020 йилда иш фаолиятини бошлаган. Бугун Қозоғистон Республикасидан келтирилади ва шу асосда ун маҳсулоти тайёрланади. 150 дан ортиқ иш ўрни мавжуд. Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ошириш борасида 2024 йилда 30 млн доллар экспорт қилинган. Бугунга қадар 15 млн доллар инвестиция киритилган. Ишлаб чиқарилган ун маҳсулотлари Афғонистон Республикасига экспорт қилинади.



ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА ПРЕСС-ТУР ЎТКАЗИЛДИ

“Boyovut cotton textile” корхонасида ип-калага маҳсулоти тайёрланади. Корхона 2022 йил иш фаолиятини бошлаган. 300 дан ортиқ иш ўрни мавжуд. Маҳсулотлари Хитой, Туркия, Қозоғистон Республикасига экспорт қилинади. Хом ашё, яъни пахта ўзимизда етиштирилади. Корхона 2024 йилда 2,6 млн доллар экспорт қилган.

Шунингдек, пресс-тур иштирокчилари “Di Guan Si” корхо-

насида амалга ошириладиган қурилиш ишлари, ишчи-ҳодимлар учун яратилган шароитлар билан танишдилар.

Лойиҳаларнинг бугунги кундаги аҳамияти ва келгусидаги натижадорлиги тўғрисида оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналист ва блогерларга маълумотлар берилди.

Фурқат ПЎЛАТОВ.

Йўллар тақдирларни бирлаштирувчи ришталарга ўхшайди. Йўловчи, ҳайдовчи ўз юмуши билан йўлга чиқсада, уларнинг тақдирлари бир-бирларига боғлиқдек гўё.

Боевут тумани ҳудудидан ўтган автомобил йўлларида бир кунда юзлаб автомобиллар ва йўловчилар ўтади. Уларнинг ҳаётини хавфга қўймаслик, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини ишончли таъминлаш, шунингдек, ҳаракат қатнашчилари томонидан содир этиладиган йўл ҳаракати қоидабузарлик ҳолатларига чек қўйиш мақсадида

жорий йилнинг 1 феврал кунидан 1 март кунига қадар “Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги” ўтказилди.

Ойлик доирасида Боевут туман ИИБ ЖХХ ИХХГ ходимлари томонидан автомобил йўлларида белгиланган тартиб ва меъёрларга амал қилиш, пиёдалар йўлни махсус жойларидан кесиб ўтишлари, ота-оналардан фарзандларини назоратсиз қолдирмасликлари бўйича тарғибот учрашувлари ўтказилди. Мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб, маҳалла кесимида ўтказилган тарғиботлар албатта ҳаёт йўлларининг бехатар бўлишига хизмат қилади.



Тумандаги “Анорзор” маҳалласида “Сайхунобод тажрибаси”ни янада кенгроқ тарғиб қилиш, томорқадан самарали фойдаланиш бўйича амалий семинар бўлиб ўтди.

Маҳаллада илми-ҳурмати билан обрў топган 4-сонли мактаб директори Умаркул Андақулов хонадонида семинар ташкил этилди. Семинарда туман ҳокими, сектор раҳбарлари, маҳалла раислари ҳамда ҳоким ёрдамчила-

ТУМАН ҲОКИМИ: “РАҲБАР БЎЛИШИНГИЗНИ ХОҲЛАЙМАН!”



“Маҳалла еттилиги”нинг ҳар бирининг ўзига хос вазифалари ва мажбуриятлари бор. Улар ўз вазифаларини нафақат оилалар билан ишлашда, балки ўз оиласида ҳам намунали ташкил этсагина фаолиятида унум ва барака бўлади.

Боёвут тумани ҳокими Дилфуза Уралова ҳокимлик соатида Гулбоғ маҳалласи ёшлар етакчиси Зоҳид Инатуллаевнинг фаолиятини эътироф этиб унга “Ташаккурнома” ва ҳокимлик совғасини топширар экан:

– Сизни раҳбар бўлганингиз-

ни кўришни хоҳлайман! – деди.

Туман раҳбари томонидан Зоҳид Инатуллаев ўз хонадонида “Сайхунобод тажрибаси”ни жорий этганлигини – томорқага сабзавот ва кўкатлар экиб, парваришлаганини, бу бошқаларга ўргатиш ва ўрнатилган бўлиш учун энг яхши асос эканлигини таъкидланди.

Иши билан сўзи бир З.Инатуллаев томорқадан самарали фойдаланиш ҳамда ободлик ишларида маҳалла ёшларига ўрнатилган тажрибасидан ўргатади, янаям ўрганишдан эринмайди.

ТОМОРҚА — ДАРОМАД МАНБАИ

Баҳор фасли яқинлашиб, табиат уйғониб, атроф яшилликка бурканаётган бугунги кунда ободлаштириш ишлари жадаллашиб, юртимиз янада чирой очаяпти. Маҳаллаларда давлатимиз раҳбари томонидан илғари сурилган томорқадан самарали фойдаланиш ташаббусига барча бирдек бел боғлаган.

Томорқа даромад манбаи. Унда меҳнат қилганлар завқланишни туяди. Экан экинларнинг баравзлиги, кўчатларни парвариш қилиш учун оила аъзоларининг ҳаракати — меҳнатга ошно қилади. Полиз-сабзавот маҳсулотлари-рўзгорга беради. Мевали дарактлар ҳам чирой, ҳам меваси билан қувонтиради.

ри, ташкилот ва муассаса раҳбарлари иштирок этди.

Семинарда сўз олганлар томонидан ободлик ва барака йўлида қилинаётган ҳар бир ҳаракат эртанги куннинг мустақам пайдевори бўлиб хизмат қилиши, бугунги илғор тажрибаларни ҳар бир раҳбар ўз хонадонида жорий этиши лозимлиги таъкидланди.

Шаҳриёр ОРИҚҲОЕВ,
УЗА фотомухбири.

“МАКТАБ УЧУН МИНГ КИТОБ” АКЦИЯСИ

Китоб – маънавий хазина, шахс камолотида муҳим ўрин тутувчи восита. Инсониятнинг буюк кашфиётларидан ҳисобланган китоб – билимлар манбаи, дунёни билиш ва ўзликни англашга олиб борувчи маёқдир.

Боёвут туманида китобхонликни оммалаштириш мақсадида “Мактаб учун минг китоб” акциясига старт берилди. Акция доирасида бугунги кунда Давлат фуқаролик хизматчиси лавозимларида ишлаб келаётган раҳбарлар ўзларининг илк сабоқ олган мактаблари учун китоблар тўпламини ҳадя этиши режалаштирилган.



“Учтургон” маҳалласида “Ёшлар маркази” қурилади


Ёшларнинг билим-иқтисоддорларини юзага чиқаришда уларни бирлаштириб турадиган марказ, аниқроғи шароитли бино зарур.

Боёвут тумани “Учтургон” маҳалласида “Ёшлар маркази” биносини қуриш ҳақидаги хабардан ёшлар нечоғли қувонган бўлса, қурилиш бошлангани уларни янада руҳлантирди. Бино икки қаватли шаклда қурилиб, шаҳарсозлик меъёрларига

мувофиқ амалга оширилмоқда.

Орзудаги бинода ўқув хоналари, мултимедиа маркази, тадбирлар зали ташкил этилиб, ёшларнинг илм олиши, замонавий ҳунарлар эгаллаши учун қулай ва шинам бўлишига алоҳида эътибор қаратилган.

“Ёшлар маркази” биноси туманимизнинг кўркამ ва ҳашаматли бинolari қаторидан жой олади, албатта.



ТЕЖАМКОРЛИК — САМАРАГА ПОЙДЕВОР

Табиат инъомларидан оқилона фойдаланиш давлат эътибори даражасига чиққанлиги бежиз эмас. Зеро, истеъмолчилар сони ортиб бораёпти. Ҳамма ҳам шарт-шароитли турмушни афзал кўради. Хусусан элётр таъминоти ва табиий газдан фойдаланиш ҳам маданиятни талаб қилаёпти.

Республика Бош прокурор ўринбосари Шоҳрух Аминов раҳбарлигида Боёвут туманида ёқилғи-энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича йиғилиш ўтказилишидан ҳам мақсад шу эди. Унда Сирдарё вилояти прокурори Савид Иматов, туман сектор раҳбарлари, иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, “Худудий электр тармоқлари” ҳамда “Худудгазтаъминот”



бўлими раҳбарлари қатнашди.

Факт ва рақамлар барча соҳага ойдинлик киритади. Йиғилишда Боёвут туманида ёқилғи-энергия ресурсларини талон-тарож қилиш ҳолатларининг олдини олиш, 2025 йилда энергоресурсларни иқтисод қилиш режа ва курсаткичлари бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Шунингдек, энергия ресурсларини иқтисод қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, талон-тарож қилиш ҳолатларини олдини олиш ҳақида курсатмалар берилди. Ҳамда соҳага оид тарғибот тадбирларини ўтказиш масаланинг яхши ечими эканлиги, аҳолининг тежамкорлиги бу соҳадаги самарадорлик учун таянч эканлиги таъкидланди.

МИЛЛИЙ ЛИБОС – МИЛЛАТ ҚИЁФАСИ

Ўзбек миллий либослари – халқимизнинг бой маданияти, анъаналари ва турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлиб, ўзига хос нафосати ва бетакрорлиги билан ажралиб туради. Улар нафақат миллий меросимизнинг ифодаси, балки ўзлгимиз, урф-одатларимиз ва санъатимизнинг гўзал тимсолидир.

Бугун миллий либослар замонавийлик билан уйғунлашиб, кундалик ҳаётимизга қайтмоқда. Улар нафақат байрамларда, балки ишда, тадбирларда, кундалик турмушда ҳам фахр билан кийилмоқда. Чунки

миллий либос – бу миллий ғурур, бизнинг аждодларимиздан қолган бебаҳо мерос!

Боёвут тумандаги 27-сонли мактабга таълим ташкилотининг тарбиячи ва тарбияланувчилари ҳам миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларни кенг тарғиб этиш мақсадида “Миллий либослар” чорловида фаол иштирок этмоқда.

Миллий либослар тарбиячиларга нечоғли миллий ғурур бағишласа, тарбияланувчиларда шунчалик қизиқиш ва қувноқлик зоҳир этаяпти.



“Умр оқар дарё мисоли. Кечагина бола эдим, онам қарарди, бугун бўлса меҳрмурувватли инсонлар”, дейди Боёвут туманининг “Ижодкор” маҳалласида истиқомат қилаётган Мавлуда ая Раҳматуллаева. “Мана, вақт ўтгани каби бахтли ва бахтиёр лаҳзаларим, қувончдан ҳайқирган дамларим ўтиб кетди.”

Бу йил ая 63 ёшга тўлди. Ёлғиз яшаса-да, ортда қолган яхши хотиралар бўшаб қолган кўнглини тўлдириб турган бўлса, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар эса руҳий тушқунликка тушиб қолиб, жамиятда ҳеч кимга кераксиздай яшаб келишига сабаб бўлаётган. Бунинг устига тиббий ёрдам, ижтимоий моддий қийинчилик батамом қийнаб, яшашга бўлган умидини саробга айланганди.

Ая истиқомат қилаётган маҳаллада яхшилар бор экан. Улар маслаҳати туфайли давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йўлга қўйилган “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази Боёвут тумани бўлимига мурожаат қилди. Вазиятини тушунтирди. Хуллас, унинг мурожаати жавобсиз қолмади. Ижтимоий ходим ва “Инсон” маркази ходимлари томонидан Мавлуда ая Раҳматуллаеванинг ижтимоий ва моддий аҳволи ўрганилиб, “Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестри”га киритилди. Унинг тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжи қондирилиб, даволаш ва реабилитация учун зарурий тиббий ёрдам

кўрсатилди. Бундан ташқари, хонадонига иситиш тизими ўрнатилди, нафақасига қўшимча ҳар ойлик моддий ёрдам тайинланиб, уй юмушларида ёрдамлашадиган ижтимоий ходим бириктирилди.

– Давлатимиз раҳбарига раҳмат, шундай оғир кунимда мени ёлғиз ташлаб қўймай, иссиғимдан-совуғимдан хабар оладиган, оғир кунимда ёрдам берадиган ходим бириктириб бергани, биздек ёлғиз кекса-



МАВЛУДА АЯ ЁЛҒИЗ ЭМАС

ларни ташлаб қўймагани учун, – дейди Мавлуда ая Раҳматуллаева. – Мана, менга бириктириб берилган Фарида қизим, ўзимнинг қизимдан-да, зиёда. Келди, “Опа сизнинг қандай юмушларингиз бор” деганча полларимни артади, кирларимни ювади, чўмилтиради, озиқ-овқатларимни олиб келиб, ҳатто овқатларимга чилиб беради. Чунки, ўн қўлим оғир ишга ярамайди. раҳмат шу қизимга. Қизим ўрнида қизим бўлди. Ёлғиз аёл учун бундан ортиқ нима керак. Шунинг учун ҳам шукр дейман, шукрона айтаман.

– Боёвут тумани бўйича 55 нафар Мавлуда ая сингари ёлғиз, ўзгалар парва-

ришига муҳтож фуқаромиз бор, – дейди ижтимоий ходим ассистенти Фарида Абдураимова. – Шундан ўн нафарига мен хизмат кўрсатаман. Жумладан, Мавлуда ая Раҳматуллаевага ҳам. Ҳафтада бир кун уй юмушларига ёрдам берсам, қолган кунлар бошқа юмушларини бажараман.

Хуллас, “Инсон” маркази Мавлуда аяни жамиятга қайта интеграция қилиб, унинг ижтимоий муносабатларини тиклаш, турмуши учун қулай шароит яратиш ва унга янги мақсадлар белгилашга ёрдам берди.

**Ғулом ПРИМОВ,
Шахриёр ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА мухбирлари**

ШИФОХОНАГА ҚЎШИМЧА ЯНГИ БИНО ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Туман марказий шифохонасининг қабул-диагностика бўлими фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида қўшимча бино қуриш ишлари бошланди.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг ўтган йилги биринчи мавсуми доирасида ғолиб деб топилган ташаббус асосида Боёвут тумани соғлиқни сақлаш тизими ривожига билан боғлиқ лойиҳани амалга ошириш учун 1,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Туман марказий шифохонасининг қабул-диагностика бўлимига қўшимча хоналар қуриш учун жамоатчилик томонидан илгари сурилган таклиф 3 мингдан зиёд овоз тўплаб, ғолибликни қўлга киритган эди.

Ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида айни кунларда тиббиёт масканига қўшимча бино қуриш ишлари бошланди. Лойиҳани амалга ошириш тадбирлари “Абдумалик Файз Қурилиш” масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан бажарилмоқда.



Боёвутда 2024 йил уй-жой хариди учун қанча субсидия ажратилди?

Боёвут туманида ўтган 2024-йил давомида кўп қаватли уй-жойлардан квартиралар сотиб олиш учун субсидия ажратиш бўйича жами 842 нафар фуқаро мурожаат қилган. Шундан, ажратилган лимит доирасида 161 нафарига ижобий хулосалар берилган ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан бошланғич бадал тўлови учун 4,8 млрд сўм субсидия ажратилиши белгиланган.

Бугунги кун ҳолатига жами 60 нафар фуқарога уй-жойларни сотиб олиш учун 1 млрд 862 млн сўм бошланғич бадал маблағлари тўлаб берилган (ҳар бир фуқарога 30 млн сўм). Қолган ижобий хабарнома олган 101 нафар фуқародан 14 нафари кредит тарихи салбийлиги, 62 нафари бошланғич бадални ўз вақтида шакллантирмагани, 25 нафари қўшимча кафил тополмаганлиги туфайли ажратилмаган.

Маълумот учун, жорий йилда “Янги Ўзбекистон” массивда 1072 та хонадонли 14 та янги турар-жой комплекслари барпо этилади.

NURLI
ISTIQQIBOL

МУАССИС:
Боёвут тумани ҳокимлиги

БОШ МУҲАРРИР:
Фурқат ПУЛАТОВ

2006 йил 29 декабрда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Сирдарё вилояти бошқармасида 10-012 рақами билан руйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:
120200. Боёвут тумани Боёвут шаҳарчаси, Бодомзор кўчаси, 1-уй
www.boyovut.uz

Gazeta “Nurli Istiqbol” tahririyati kompyuter markazida terilib, sahifalandi. A3 formatda, 4 sahifada, 1 bosma taboq offset usulida “Azmir nashr print” MCHJ bosmaxonasida 500 nusxada chop etildi. **Bosmaxona manzili:** Toshkent shahri, Adham Rahmat ko'chasi-10. Buyurtma № _____

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

ISSN-2181 - 5070
Топшириш вақти - 10:00
Топширилди - 14:00
05.03.2025 йил
Ⓣ - Тижорат материали
Сотувда эркин нархда

☎ ТЕЛЕФОНЛАР:
(+998 67) 390 17 70
(+998 90) 656 33 55